



20 20 у « 30 » сентябрь

№ К-534

« » 20 г

**Бандихон тумани “Наврўз” массивида
фаолият юритаётган “Бахриддин-Нур”
фермер хўжалигига “Паррандачилик
ва чорвачилик фермаси” куришга
рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/616-сон йиғилиш баёни, Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 15 августдаги 01-05/1640-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/616-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Наврўз” массивида фаолият юритаётган “Бахриддин-Нур” фермер хўжалигига тегишли қишлоқ хўжалик харитасининг 173-дала контуридаги 3,0 гектар яйлов ер майдони “Паррандачилик ва чорвачилик фермаси” куриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан рухсат берилсин.

3. “Бахриддин-Нур” фермер хўжалиги “Паррандачилик ва чорвачилик фермаси” курилиши мақсадида 3,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 42 913 740 (қирқ икки миллион тўққиз юз ўн уч минг етти юз қирқ) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) рухсат берилаётганлиги

муносабати билан туман ер хисоботига ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов